

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил октябрь ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг очиқ суд мажлисида, Навоий шаҳар, “Ғалаба” маҳалла фуқаролар йиғинида, раислик қилувчи С.Болтаев, судья ёрдамчиси А.Қиличбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Навоий шаҳар прокурорининг ёрдамчиси И.Зайнутдинов, жабрланувчининг қонуний вакили А.Ахатов, судланувчи Ё.Асадовнинг иштирокида, Асадов Ёдгоржон Ҳасан ўғлига нисбатан 1-2101-2102/222-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Асадов Ёдгоржон Ҳасан ўғли (Asadov Yodgorjon Hasan o'g'li) 1992 йил 11 апрель куни Навоий шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, “Мерседес Бенс” МЧЖда ҳайдовчи бўлиб ишлайди, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Кармана тумани, “Дўстлик” МФЙ, Ипак йўли кўчаси, 21-уй, 14-хонадонда яшайди, мазкур иш бўйича 27.07.2021 йилда “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 04.08.2021 йилда айблов хулосаси нусхасини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбланган, Суд, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ё.Асадов, 2021 йил 25 апрель куни соат 21:00ларда бошқарувида бўлган “Matiz” русумли давлат рақами 85 757 ТТЕ белгили бўлган автомашинаси билан Кармана тумани ҳудудидан ўтган М-37 автомобил йўлининг 65 км.и оралиғида “Тошкент” йўналишидан “Бухоро” йўналиши бўйича ҳаракатланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрь кунидаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган ва 2016 йил 1 март кунидан эътиборан амалга киритилган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди 1,2,3 кичик бандлари ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак, тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги тўғрисидаги қоида талабларини қўпол равишда бузиб, ўз-ўзига ишониб ва жинойий бепарволик билан ҳаракатланиб, мазкур ҳудудда автомобиллар учун тезлик соатига 50 км/соат белгиланган бўлсада, Навоий вилояти ИИБ ЭКБнинг 26.07.2021 йилги 1026-сонли судга оид автотехника экспертиза хулосасига кўра



65 км/соат тезликда ҳаракатланиб, йўл ўрта қисмида турган Ф.Ахатовни автомашинани олд томони билан уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисасини содир этган.

Натижада, Ф.Ахатов Кармана туман СТЭБнинг 03.05.2021 йилдаги 29-сонли хулосасига кўра, “ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳат”ни олиб, кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамасдан Кармана туман Тиббиёт бирлашмаси жонлантириш бўлимида вафот этган.

Суд мажлисида судланувчи Ё.Асадов айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, 2021 йил 25 апрель куни соат 21:30ларда бошқарувида бўлган сариқ рангли, 85 757 ТТЕ давлат белгили “Матиз” русумли автомашинада Кармана тумани “Дўрмон” бекатидан Кармана тумани “Дўстлик” МФЙ томонга ҳаракатланишни бошлаганлигини, унинг автомашинасида мижозлар бўлганлигини, унинг тезлиги 60-70 км/соат бошқариб ҳаракатланганлигини, у Кармана тумани “Азамат” МФЙ ҳудудида ушбу МФЙда жойлашган мактабга етмасдан, у йўлнинг иккинчи ҳаракатланиш йўналишида яъни обочинага яқин ҳолатдаги ҳаракатланиш бўлагида ҳаракатланишни давом эттирганлигини, у кун қоронғу бўлгани учун автомашинанинг яқинни ёритиш чироғини ёқиб кетаётганида, уни ҳаракатланиш йўналишининг тўғрисида 1-2 метр масофада бир киши турганини кўрганлигини, у йўлда турган кишини унга нисбатан ўнг томони билан яъни юз қисми йўлнинг четига қараган ҳолатда тўхтаб турган ҳолатда бўлганлигини, у пиёдани фақатгина дастлаб ўнг қўлини кўрганлигини, у ўша вақтда автомашинанинг тормозини босишга ҳам улгурмасдан пиёдани уриб юборганлигини, у дарҳол биринчи ёрдам кўрсатиш учун автомашинадан тушганлигини, кейинчалик дастлабки терговда билишича Ф.Ахатовни йўлда кетаётган бошқа автомашинага миндириб, шифохонага юборганлигини, у орадан 10-15 дақиқа ўтганидан сўнг, у Ф.Ахатовни шифохонада вавот этганини билганлигини, у Ф.Ахатовни уриб юборишидан олдин, уни орқасидан “Коболт” ёки “Жентра” русумли автомашинаси қувиб ўтганини, бундан ташқари қарама-қарши йўлдан 15-20 метр масофа узоқликда юк автомашинаси ҳаракатланиб келаётганини, у шу ҳолатлар чалғитганлигини, у жабрланувчининг оила аъзоларига етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб бериб, кечирим сўраганлигини, уни жабрланувчининг қонуний вакили кечирганлигини, у қилган ишидан пушаймондалигини, муқаддам судланмаганлигини, ёшлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инobatга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришини сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Ё.Асадовнинг айби, ўзининг судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, унинг транспорт воситасини бошқаришда транспорт воситаси ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши натижасида одам ўлишига сабаб бўлган жинояти судда тўпланган қуйидаги далиллар билан, яъни:

жабрланувчининг қонуний вакили А.Ахатов суд мажлисида, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, марҳум Ахатов Фарход Раззокович отаси бўлишини, у аъзолари билан бирга Кармана тумани “Азамат” МФЙ “Шеробод” кўчаси, 26-уйда яшаб келишини, 2021 йил 25 апрель куни отаси доимгидек уйдан томорқадаги анорларга сув очиш учун чиқиб кетганлигини, шу куни кечки вақтда отаси Ф.Ахатовни Ё.Асадов автомашинасида уриб юборганини эшитганлигини, у оила аъзолари билан



зудлик билан Кармана тумани шифохонасига борганлигини, лекин ота йўл транспорт ҳодисаси оқибатида олган тан жароҳатлари сабабли туман касалхонасида вафот этганлигини, ҳозирда судланувчи Ё.Асадов томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаб бергани учун ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, у Ё.Асадовни кечирганлигини инobatга олиб, суддан судланувчи Ё.Асадовга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб берган кўрсатувидан ташқари;

2021 йил 25 апрелдаги воқеа жойини кўздан кечириш тўғрисидаги баённомаси (и.в. 4-16); 2021 йил 24 апрелдаги мурдани кўздан кечириш тўғрисидаги баённомаси (и.в. 19-21); РСТЭИАМ Навоий филиалининг 25.04.2021 йилдаги 29-сонли ўлим ҳолати юзасидан судга оид тиббий экспертиза хулосаси (и.в. 25-27); 2021 йил 26 апрелдаги нарсани кўздан кечириш тўғрисидаги баённомаси (и.в. 33-35); 2021 йил 19 июлдаги тергов эксперименти баённомаси (и.в. 104-112); Навоий вилояти ИИБ эксперт-криминалистика бўлимнинг 2021 йил 24 июлдаги 1026-сонли судга оид авто техник экспертиза хулосаси (и.в. 115-116) билан ҳамда бошқа инкор этиб бўлмайдиган объектив далиллар йиғиндиси билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ё.Асадовнинг жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра судланувчи Ё.Асадовнинг айбига иқрорлиги, қилган ишидан пушаймонлиги жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ЖКнинг 56-моддасига кўра жиноятни жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари мавжуд эмас деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли қарорининг 25-бандида, судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндашув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг ҳатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шартлиги ҳақида тушунча берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суду Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишлиги;

3-бандида жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;



37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги қонун ва Пленум Қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчи Ё.Асадовга жазо тури ва миқдорини белгилашда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноятни эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар туркумига киришини, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчининг қонуний вакиллари етказилган моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлиги, ушбу ҳолатларни жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилмаган енгилроқ, яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ҳамда қонун талабига риоя қилмасдан, жиноий бепарволик билан автомашинани бошқариши оқибатида йўл транспорт ҳодисаси содир қилиши натижасида одам ўлишига сабабчи бўлганлигини инobatга олиб, ЖКнинг 45-моддаси тартибда қўшимча жазо тариқасида ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакил А.Ахатовни судланувчи Ё.Асадовга нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлигини инobatга олишни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган Ё.Асадовга тегишли бўлган 1 (бир) дона ҳайдовчи ўриндиғи чехолини, 1 (дона) руль қопламасини, 1 (бир) дона трикони, 1 (бир) дона футболкани Ё.Асадовга тилхат асосида қайтарилганлигини;

жабрланувчи Ф.Ахатовга тегишли бўлган 1 (дона) оёқ кийимини жабрланувчининг қонуний вакили А.Ахатовга тилхат асосида топширилганлигини инobatга олишни лозим топади.

Суд, жиноят ишига илова қилинган 3 (уч) дона DVD дискларни жиноят иши материалларига қўшиб сақлашни;

Асадов Ёдгоржон Ҳасан ўғли номига берилган АА 0109465-рақамли ҳайдовчилик гувоҳномасини тегишли тартибда ички ишлар органларига юборишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-497¹-497⁴-моддаларига мувофиқ, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:



Судланувчи Асадов Ёдгоржон Ҳасан ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан 2 (икки) йилга муайян ҳуқуқдан, яъни ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) фоизи давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси жазони назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган жойларда ўташ белгилансин ва жазони ўташ муддати корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муддати ҳукм ижрога олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижроси Навоий вилояти ИИБ Кармана туман ИИБ Пробация бўлимига юклатилсин.

Ё.Асадовга нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кERGACH бекор қилинсин, гаровга қўйилган 5.600.000 (беш миллион олти юз минг) сўм пуллар гаровга қўювчи Ё.Асадовга қайтарилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили А.Ахатовнинг судланувчи Ё.Асадовга нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлиги инobatга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган Ё.Асадовга тегишли бўлган 1 (бир) дона ҳайдовчи ўриндиғи чехоли, 1 (дона) руль қопламаси, 1 (бир) дона трико, 1 (бир) дона футболка Ё.Асадовга тилхат асосида қайтарилгани;

жабрланувчи Ф.Ахатовга тегишли бўлган 1 (дона) оёқ кийими жабрланувчининг қонуний вакили А.Ахатовга тилхат асосида топширилгани инobatга олинсин.

Жиноят ишига илова қилинган 3 (уч) дона DVD дисклар жиноят иши материалларига қўшиб сақлансин;

Асадов Ёдгоржон Ҳасан ўғли номига берилган АА 0109465-рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси тегишли тартибда ички ишлар органларига юборилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили эса ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан 20 (йигирма) сутка ичида шу суд орқали Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

/имзо/

С.Болтаев

Ҳукм нусхаси аслига тўғри, судья:

